



2019 йил 29 "Август" № 84-03-3261

**Олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиал
директорларига**

Республика илмий-амалий
анжумани ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 январдаги 25-ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида 2013 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси" ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 24 январдаги 23-сонли буйруғига асосан Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида 2019 йил 25-26 октябрь кунлари «Олий таълим ислохотлари: ютуқлар, муаммолар, ечимлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани ўтказилади.

Шу муносабат билан Сиз раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, мутахассислар, докторант, мустақил тадқиқотчи-изланувчи ва магистрларнинг иловада келтирилган "АХБОРОТ ХАТИ" асосида анжуманда иштироки тавсия этилади.

Илова: 2 бет.

Вазир ўринбосари



У. Бегимкулов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

АХБОРОТ ХАТИ

Хурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида 2019 йил 25-26 октябрь кунлари «Олий таълим ислохотлари: ютуқлар, муаммолар, ечимлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани ўтказилади.

Анжуманнинг мақсади: Олий ва ўрта махсус таълим тизимини илғор хорижий ва республикадаги тажрибалар асосида ривожлантириш ҳамда жамиятнинг маънавий янгиланиши ва жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ҳамда бозор иқтисодиёти ривожланган демократик давлатлар таълими даражасига кўтариш мақсадида педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ўқув жараёнларни лойиҳалаш, уларни қўллаш усуллари ва йўллари, амалиётга жорий этиш восита ва механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Анжуманда қуйидаги йўналишлардаги муаммолар муҳокама этилади:
республика олий ва ўрта махсус таълим тизимини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини яратиш, таълим сифатини ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибалари асосида миллий кредит таълим тизимининг ташкилий, илмий-услубий жараёнларни тадқиқот қилиш ва шу асосида жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

илғор технологиялар ва инновацион ўқитиш услубларидан кенг фойдаланиш асосида таълим йўналиши (мутахассислик)ларининг асосий меъёрий-услубий ҳужжатларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни ташкиллаштириш;

ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини оширишда ўқув жараёнини лойиҳалаштириш ҳамда таълим технологияларининг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ёш олимлар ва талабаларнинг илмий-тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларини амалиётга жорий этиш тизимини самарали ташкил қилиш;

олий таълим муассасалари раҳбариятининг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирок этиш борасидаги масъулиятини ошириш.

Анжуманда иштирок этиш учун Ташкилий қўмигага мурожаат хати ва анжуман материаллар тўпламига илмий мақола тақдим этиш зарур.

Анжуман материаллари тўпламига илмий мақолалар учун талаблар:
илмий мақолалар анжуман йўналишига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, тегишли таклиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;

тақдим этилаётган илмий мақолалар соҳа бўйича етук мутахассисларнинг камида битта тақризи билан қабул қилинади;

анжуман материаллари ўзбек ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин ва 3-5 бетдан ошмаслиги тавсия этилади.

Тақдим этилаётган тезисларни расмийлаштириш тартиби:

Тақдим этилаётган тезис MSWord2007, 2010, Times New Roman шрифтида, 14 ҳажм катталиқда, 1,5 интервалда ёзилади, қоғоз ҳажми А4 (210 x 297 мм), тепадан, пастдан 2 см., чапдан 3 см., ўнгдан 1,5 см. доирасида ёзилади, биринчи қаторда мавзунинг номи, саҳифанинг ўртасида бош ва қалин ҳарфларда, 2-қаторда муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, 3-қаторда муаллифнинг иш жойи ва лавозими, 4-қатордан матн ёзилади, илмий мақола матилари икки нусхада ва электрон шаклда Марказнинг Олий таълимнинг ўқув жараёни нормативлари ва муаммоларини тадқиқ этиш” лабораторияси, 214- хонага тақдим этилади.

Мақолаларни чоп этиш учун ҳар бир саҳифасига 20 000 (йигирма) минг сўм тўланади.

Экспертизадан ўтган мақолалар Edu.uz сайтида 2019 йилнинг 5 октябрида эълон қилинади ҳамда 2019 йил 10 октябригача тўловни амалга ошириш зарур.

Анжуманнинг илмий-оммабоп тезислар тўпламини чоп этиш кўзда тутилган. Шу муносабат билан 2019 йилнинг 30 сентябригача электрон вариантда қабул қилинади. Мақолаларни юбориш учун электрон манзил: rm1@edu.uz

Эслатма: Ташкилий кўмита келиб тушган материалларни танлаб олиш ҳуқуқига эга. Мақола мазмуни учун жавобгарлик муаллифлар зиммасига юклатилади. Қўйилган талабларга жавоб бермайдиган тезислар чоп этилмайди ҳамда қўлёзмаси қайтарилмайди.

Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Шифонур кўчаси, Талабалар шаҳарчаси 75-уй. Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиш маркази, “Олий таълимнинг ўқув жараёни нормативлари ва муаммоларини тадқиқ этиш” лабораторияси, тел.: (71)207-03-37, e-mail: rm1@edu.uz